

# ТОГАЙ МУРОД АСАРЛАРИДА ТИЛ ВА УСЛУБНИНГ ЎРНИ

Абубакир Уразов

Эркин изланувчи

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат

ўзбек тили ва адабиёти университети

Тошкент, Ўзбекистон

**Аннотация:** Ушбу мақолада Тоғай Мурод қиссалари ва романларида миллий характер, қадриятлар ва урф-одатларимизнинг ёритилишини тадқик этилади.

Тўй удумлари, қўпкари беллашувининг тартиблари, кураш ўтказиш билан боғлиқ одатлар, мавсумий маросимларга боғлиқ удумларни асарларида этнограф олимдек тасвирлаган. Тоғай Мурод асарларининг услубий бетакрорлиги шундаки, у жимжимадор сўзлардан фойдаланиб, нозик келишимли иборалар билан қаҳрамонлар қиёфасини бузмайди. Нимаики бўлса халқ тили билан ифодалайди. Шунингдек, адаб ўз асарларида мардлик, ор-номус, севги ва нафрат, жасурлик,adolat ва ноҳақлик, жисмоний ва руҳий баркамоллик, шахс ва халқ манфаатларининг тўқнашуви, мангулик ва фонийлик, хуллас инсоният ҳаётининг деярли барча қирраларини ишонарли ва ўзига хос тарзда тасвирлаб берган.

**Таянч сўзлар:** миллий характер, миллий қиёфа, услуб бетакрорлиги, урф-одатлар, образ, удумлар, мардлик, ор-номус, севги ва нафрат, халқона.

**Abstract:** This article examines the coverage of our national character, values and traditions in Togay Murad's stories and novels.

In his works, the ethnographer described the wedding rituals, the rules of the kopkari competition, the customs related to the wrestling, and the rituals related to the seasonal ceremonies. The stylistic uniqueness of Togay Murad's works is that he uses quiet words and does not spoil the image of the heroes with subtle concordant phrases. If anything, he expresses it in the language of the people. Also, in his works, the writer convincingly and uniquely described bravery, honor, love and hatred, courage, justice and injustice, physical and mental perfection, conflict of personal and public interests, eternity and mortality, in short, almost all aspects

of human life.

**Key words:** national character, national image, uniqueness of style, traditions, image, traditions, bravery, honor, love and hatred, folk.

**Аннотация:** В данной статье рассматривается освещение нашего национального характера, ценностей и традиций в рассказах и романах Тогая Мурада.

В своих произведениях этнограф описал свадебные обряды, правила состязаний копкари, обычаи, связанные с борьбой, а также ритуалы, связанные с сезонными церемониями. Стилистическая уникальность произведений Тогая Мурада состоит в том, что он использует тихие слова и не портит образ героев тонкимиозвучными фразами. Во всяком случае, он выражает это на языке народа. Также в своих произведениях писатель убедительно и своеобразно описал храбрость, честь, любовь и ненависть, мужество, справедливость и несправедливость, физическое и душевное совершенство, конфликт личных и общественных интересов, вечность и смертность, словом, почти все стороны человеческой жизни. жизнь.

**Ключевые слова:** национальный характер, национальный образ, своеобразие стиля, традиции, образ, традиции, храбрость, честь, любовь и ненависть, народ.

XX аср адабиётида миллий қадриятлар ва урф-одатларни ёритиш адабиётшуносликнинг энг долзарб ва қизиқарли, шу билан бирга, энг мураккаб мавзуларидан бири бўлган. Бунинг ўзига хос сабаблари бор, албатта. Чунки мустабид тузум мафкураси ҳар бир ижодкорнинг ёзганларини қаттиқ назорат остига олар, миллий қадриятлар ва урф-одатларнинг қаламга олининишини нотўғри талқин этар, бундай ижодкорларга "миллатчилик" тамғаси босилиши ҳеч гап эмасди.

Бир умр ўз халқи ҳаётидан айри тушмаган, унинг дардларини асарларида ошкора баён этган, ҳақиқат ва адолатга садоқат билан хизмат қилиб келган ана шундай ёзувчилардан бири, шубҳасиз, Тоғай Муроддир.

Шу маънода олиб қараганда, XX асрнинг иккинчи ярмида ўзбек адабиётига шиддат билан кириб келган Тоғай Муроднинг дастлабки қиссаларида ўзбек халқининг миллий қадриятлари ва урф-одатлари янада жозибали ва тушунарли тасвирланиши адібнинг катта жасорати эди, дейиш мумкин.

Шундай экан, Тоғай Мурод қиссалари ва романларида миллий қадриятлар ва урф-одатларимизнинг ёритилишини тадқик этиш бу истеъдодли ёзувчининг ижодига янгича назар ташлашга, унинг асарларини чуқур тушунишга, шунингдек, миллий характер назариясини ишлаб чиқишига ҳисса қўшишга кўмаклашади.

Олимлар тўғри таъкидлаганидек, "Ҳар бир санъаткор ўз бадиий яратмаларида энг аввало эстетик қарашларини, эстетик ғоя ва эстетик идеалини илгари суради. Шунинг учун санъаткор ижодини унинг эстетик қарашлари билан боғлаб ўрганиш объектив илмий хулосалар чиқаришга имкон беради"<sup>1</sup>.

Бусиз асар ўқувчини ишонтира олмайди, унда бадиий-эстетик тасаввур уйғота олмайди.

Бадиий адабиётнинг ўзига хос хусусияти шундаки, у инсон қалбининг энг яширин қатламларигача кириб бора олади, одамларга олам ҳақида билим бера олади, инсонларнинг дунё ҳақидаги тасаввурларини чуқурлаштира олади, ҳаётни ислоҳ қилишнинг энг кучли қуроли бўла олади. У ижтимоий онгнинг бошқа шакллари бўлмиш фалсафа, фан, ахлоқ, сиёsat, ҳуқук кабилар билан узвий алоқада.

Зеро ёзувчилик – худо берган истеъдоддир, бу касб билан ҳамма ҳам шуғулла олмайди. Буни касб сифатида бирор жойда ўқитиб, ўргатиб бўлмайди. Ёзувчиликнинг мактаби – бир умр ҳаётнинг ичидаги бўлиш. Ана шундагина унинг ёзганларини халқ севиб ўқийди, шундагина унинг қаҳрамонлари миллий характер сифатида тарих сахифаларидан жой олади.

Мақолани ёзиш давомида шунга ишонч ҳосил қилдикки, XX асрнинг

<sup>1</sup> Назаров Б. Ойбек эстетик қарашларининг шаклланишига доир //Ўзбек тили ва адабиёти.

охири ва XXI асрнинг бошлари ўзбек адабиётидаги қисса ва романлар устида олиб борилган тадқиқот ишларида адибларнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари, қаҳрамон ва унинг руҳияти муаммоси ҳамда баён усули кабилар хақида кўп фикрлар баён этилган<sup>1</sup>.

"Бадиий асарда характер яхлитлиги фақатгина ҳаётдаги кучли, яхлит шахсларни поэтиклиаштиришнинг айнан ўзи эмас, балки ахлоқий изланишлар, инсон қобилиятига ишонч туфайли юзага келадиган интилишлардан туғиладиган мураккабликни ҳам ўз ичига олади"<sup>2</sup>.

Тогай Мурод асар ёзишда, қаҳрамонлар характерини белгилашда уларнинг мақсад ва интилишларини таъминловчи воқеа-ҳодисаларни асарнинг марказига қўяди. Адид яратган қаҳрамонлар характеридаги ўзига хос индивидуал хусусиятлар ва уларнинг дунёқарашига хос умумий жиҳатлар ўзаро мутаносиб ҳолда намоён бўлади.

Тогай Мурод яратган қаҳрамонларнинг характери ўзимизга ўхшаши, яшаш тарзимизга мос келиши, хатти-ҳаракатларининг табиийлиги, жонлилиги билан бошқалардан ажralиб туради. Ёзувчининг "Отамдан қолган далалар" асарида бир образ бор. Бу образ асарда бир бора тилга олинади ва мана шу кичкинагина лавҳада унинг кимлиги, ички олами, ҳистойғулари тўла-тўқис намоён бўлади: "Оппоқ соч одам Қизил Байроқни директоримизга қайтариб беради. Қўлларини қорин қовуштириб-қорин қовуштириб туради.

– Болаларим, – дейди, – бизнинг юртга Амир Темурлар керак. Бизнинг юртга Бобурлар керак. Бизнинг юртга Улуғбеклар керак. Жуда, жуда керак! Аммо сизлар Темур бўлолмайсизлар, сизлар Бобур бўлолмайсизлар, сизлар Улуғбек бўлолмайсизлар. Лекин юртга тўрт мучали бус-бутун одамлар керак. Лекин юртга соғлом-соғлом одамлар керак. Шундай экан, ўзларингизни-

<sup>1</sup> Қаранг: Раҳимов А. Ўзбек романни поэтикаси: филол. фан. док. дисс. ... автореф. – Т., 1993; Имомова Г. М. Типик миллий характер яратишида бадиий нутқнинг ўрни. филол. фан. ном. ... дисс. автореф. – Т., 1993; Тўраев Д. Ҳозирги ўзбек романларида бадиий тафakkур ва маҳорат муаммоси (60-80-йиллар). филол. фан. док. ... дисс. автореф. – Т., 1994; Нурматов А. Бадиий асарда полифонизм. филол. фан. ном. ... дисс. автореф. – Т., 1996; Солижонов Й. XX асрнинг 80-90-йиллари ўзбек насринда бадиий нутқ поэтикаси. филол. фан. док. ... дисс. автореф. – Т., 2002.

<sup>2</sup> Бекмуродов Ю. Характер яхлитлиги // Ўзбек тили ва адабиёти. 1971 № 4. – Б. 3.

ўзларингиз авайлангизлар, болаларим!"<sup>1</sup>.

Асардаги бу қаҳрамон район халқ маорифи бўлими мудири Дадабоевдир. Дадабоев айтмоқчики, сиз Амир Темур, Бобур ва Улуғбек авлодисиз. Ўтмишда шундай буюк аждодларимиз ўтган. Улар каби буюк бўлиш учун эса аввало саломатлик керак.

Тоғай Мурод учун ижоднинг асосий мавзуси баҳтни моддий бойлиқдан эмас, турли тақдирлар, мураккаб инсоний муносабатлар асосидан қидиришни англатади. Оддий одамлар ҳаётини, характерини очиб бериш – Тоғай Мурод ижодий маҳоратининг етакчи қиррасидир. Бу ўз-ўзидан бўлгани йўқ. У ана шу фазилатларни эгаллашга, ижодининг асосий йўналишига айлантиришга интилди. "Оддий", "халқдан чиққан" одамлар меҳри билан тасвирлаш ва "эскирган услублар"га содик қолмаслик унга дунёни аниқ кўришда ёрдам берди.

Одам ўз Ватанида унинг гўзалликлари, ўзгаришлари билан, ўз халқи ичida унинг ташвишлари, орзулари билан яшайди. Тоғай Мурод ижодида худди мана шундай қаҳрамонлар гавдаланган. Адаб уларнинг маънавий қиёфасини, характерини, рухиятини баён қилиб бермайди, балки бу фазилатларни жонли тасвирлар орқали кўрсатади.

"Тоғай Мурод ижоди, – деб ёзади профессор К. Йўлдошев ўз тадқиқотларида, – ўзбек насли тараққиётида ўзига хос аҳамиятга эга. Ёзувчи шахсиятиning асарларига тўлиқ кўчиши, миллий рухни теран англаш, ифода ўзгачалигини ташкил эта билиш, жонли тил тароватидан ўринли фойдаланиш ва колоритли юморга эгалик хусусиятлари адаб ижодининг ўзига хослигини белгилаган"<sup>1</sup>.

Дарҳақиқат, Тоғай Мурод тўй удумлари, кўпкари беллашувининг тартиблари, кураш ўтказиш билан боғлиқ одатлар, мавсумий маросимларга боғлиқ удумларни асарларида этнограф олимдек акс эттириб бера олган. Аммо бу тасвирлар асарларининг ҳеч бир жойида шунчаки фон учун ёки

<sup>1</sup> <sup>1</sup> Тоғай Мурод. Отамдан колган далалар. – Т.: Шарқ. – 1994. – Б. 62.

<sup>1</sup> <sup>1</sup> Йўлдошев К. Теранлик // Шарқ юлдузи. – Т., 2008. – 3-сон. – Б. 149.

юзаки келтирилган эмас, балки ҳар доим асар қаҳрамонлари руҳиятига хос бўлган бирор жиҳатнинг очилишига қаратилган бўлади.

Тоғай Мурод тип, характер яратиш, ўткир конфликт ва ихчам сюжет тузалиш каби хусусиятларни пухта ўзлаштирган ижодкор ҳисобланади. Қолаверса, унинг асарлари халқ эртакларига хос содда, ихчам тасвир ҳамда ифода воситаларидан ижодий озиқлана олган ижод намуналариdir.

Маълумки, бадиий асарда озми-кўпми тафсилот билан тасвир этилган персонаж образ ёки характер деб аталади. Характер (образ) инсоннинг типиклаштирилган ва индивидуаллашган тасвириdir.

"Аёлимиз даладан бош олиб кетайин, деди – кетолмади.

Бола азиз бўлди, ғўза боладан-да азиз бўлди!"<sup>2</sup>.

Ушбу жумлада жуда кучли қочирим бор. У юзда табассум, дилда ғамалам билан ифодаланганди. Ўзбек аёллари азалдан болажон ва болапарвар бўлганилар. "Бола азиз одоби ундан азиз" ибораси ана шу миллий ғоя, миллий туйғуни ифодалайди. "Ғўза боладан-да азиз" ибораси эса, ана шу миллий ғоя ва туйғу устидан ўрнатилган социалистик меҳнат, пахта сиёсатининг якка ҳукмронлигига киноядир.

Муаллиф ҳаёт ҳақида нима демоқчи бўлса, шунинг ҳаммаси пиравардида бадиий асарда тасвир этиладиган образларнинг туриштурмушида, хулқ-авторида, психологияси, ишлари, интилишлари ва ўйларида ўз ифодасини топади.

"Отамдан қолган далалар" романида Дехқонқул ҳаёти асардаги бошқа қаҳрамонлардан ортиқроқ қилиб тасвирланади. Аёли, онаси, раис каби кишиларга камроқ эътибор берилади, аммо адаб мақсадини баён қилишда, уларнинг ҳам "хизматидан" етарлича фойдаланади. Бу асарда Тоғай Мурод миллий характер сифатида ўзининг эстетик идеалини ифодаловчи Дехқонқулдан фойдаланади. Асар бошидан Жамолиддин кетмоннинг саҳнага чиқиши Дехқонқул қисматининг бошланиши саналади. Чунки кетмон бу

<sup>2</sup> <sup>2</sup> Тоғай Мурод. Отамдан қолган далалар. – Т.: Шарқ. – 1994. – Б. 187.

дехқончилик рамзи. Жамолиддин кетмоннинг давомчisi эса Дехқонкул. "Дехқон" дея бош қаҳрамонга ном берилиши эса иккиламчи маънени ташийди. Одатда биз дехқон деганда файз баракали, қўли гул, оқ яктакларда, қўлида кетмон кўтариб, лўппиллаган ерда савлат тўкиб ишлаётган инсонни тушунамиз. Ўша пайтларда йигитларга Дехқонбой, Дехқонбек каби исмлар қўйилган. Лекин бу имсга "қул" қўшимчасининг қўшилиши асар қаҳрамони характеридан келиб чиқмаган. Дехқонкул ўзбек дехқон халқининг типик вакили. Қисмат ўзбек халқини қулга айлантиргани ва қулдек эзиб ишлатгани, хўрлагани ёзувчи томонидан рамзийлаштирилган. Шунинг учун асар қаҳрамони номига -бек, -бой эмас, балки -қул қўшимчasi қўшилган. Тоғай Мурод Дехқонкул сиймосида ўзбек дехқонининг миллий характерини мужассамлаштирган. Ундан кейин бирин-кетин, Ақраб қўрбоши, генерал Скобелев, мактаб директори, Зиёдга ўхшаш қўп характерларнинг ўқувчи қўз олдида шаклланиш жараёнини ҳикоя қилади ва шу восита билан адебнинг гоявий мақсади юзага чиқа бошлайди. Асар давомида ҳар бир образнинг характери аста-секин ёритиб борилади, натижада, характернинг миллий кўриниши бадиий аксини топади.

Адабий мулоқотга киришаётган ижодкор тингловчига маълумот, янгиликни етказибгина қолмай, унга таъсир этиш, ҳаётий ёндашувга чорлаши лозим. Тасвирдаги қизиқарли, тасодифий, кескин жараёнлар ижросидаги ўзгаришни яққол намоён этади.

Ёзувчи бирор ҳаётий материални аниқ, изчил ривоят асосида бир-бирига боғлаб, воқеаларни ўзаро уюштириб олиб боради. Ёзувчи асарни ўқувчига баён қилар экан, унда ўқувчининг сўзларни ҳазм қилиш жараёни асосий планда туради. Асарнинг мазмуни ишонарли ва қизиқарли бўлса-ю, ёзувчи буни баён қилишда дағалликка йўл қўйса, у воқеа ўз таъсирини йўқотади. "Бадиий сюжет ҳаётий воқеалардан танлаб, териб олинади. Бу ишда ёзувчининг дунёқарashi, асарда изҳор этмоқчи бўлган фикри – асар ғояси ва уни ифодаловчи характерлар ҳамда уларнинг мантиғи ҳал қилувчи роль

ўйнайди"<sup>1</sup>.

Хар бир ижодкорнинг тил воситаларидан ўзига хос фойдаланиш услуби мавжуд бўлади. Шу жиҳатдан олиб қараганда, унинг индивидуал услубини ўрганиш мураккаб жараён бўлиб, у ҳам адабий, ҳам лингвистик таҳлил имкониятларини ўзида мужассамлаштиради ва шу тарзда ижодий тафаккурнинг юзага чиқиш имкониятларини белгилайди.

Хар бир асар, албатта, ўз мазмун-моҳиятига кўра бошқаларидан ажralib туради. Аммо, асар сюжетини бойитиш, композицион тузилишида воқеа-ходисаларни ўз ўрнида келтира олиш асарнинг бадиий етуклигини таъминлайди.

Ёзувчи Тоғай Мурод ижодининг асосини ташкил қиласидиган аксарият асарлари ана шундай бадиий пишиқ асарлар дейиш мумкин. Бу фикримизни Тоғай Мурод ижодига бағищланган тадқиқотлар натижалари ҳам тасдиқлайди.

Шу ўринда, адаб услубини шакллантиришда иштирок этувчи бадиий тасвир воситаларининг лисоний омиллари, воқеалар табиийлигини таъминлашдаги ўрни, ёзувчи услубидаги оҳанг характери тўғрисидаги фикрлар диққатга сазовордир. Бу фикрларда ёзувчи адабий услубининг ўзига хос жиҳатлари очиб берилган.

М. Қосимова: "Аввало ёзувчи қисса ва романларидаги оҳанг характери хақида фикр юритиш керак бўлади. Боиси адаб асарларида насрый баён поэзия билан шу даражада яқинлашадики, "От кишинаган оқшом", "Ойдинда юрган одамлар" қиссалари ҳамда "Отамдан қолган далалар" романида ритм, оҳангдорлик энг муҳим омиллардан бири бўлиб қолди"<sup>3</sup>, деган фикрни илгари сурса, Й. Солижонов "Ҳатто шеър ритми, архитектоникасига путур етказмаслик учун Тоғай Мурод Дехқонқул нутқида келишик, шахс-сон ва эгалик қўшимчаларини ҳам ташлаб кетаверади"<sup>4</sup>, деб ёзган.

<sup>1</sup> Адабиёт назарияси. Ж.И – Т.: Фан, 1978. –Б. 263.

<sup>3</sup> Қосимова М. Бадиий нутқ индивидуаллигининг лингвистик хусусиятлари (Тоғай Мурод асарлари асосида). Филол. фанлари номзоди ... дисс. автореф. – Т., 2007. – Б. 7–8.

<sup>4</sup> Солижонов Й. XX асарнинг 80-90-йиллари ўзбек насида бадиий нутқ поэтикаси: филол.фан.ном. ....дисс.автореф. –Т., 2002. –Б. 14.

Бу эса "ёзувчи шеърий асарларга хос бўлган техник воситалар – ритм, вазн, туроқ кабилардан кенг фойдаланади"<sup>1</sup>, деган фикрни исботлайди.

Демак "адибнинг ўзига хос ифода усули, индивидуал баён тарзи ҳам айнан ана шу оҳангдорликда кўринади. Шу сабабли бу хусусият алоҳида тадқикот манбаи бўла олади"<sup>2</sup>.

Тоғай Мурод адабиётга бамисоли бир эпкин олиб кирган ва кўп жиҳатдан халқ достон ва термалари, мақол ва нақлларига ўхшаш шакли ихчам, мазмуни теран сўз-ибораларга бой бўлган оҳангдор тил ва туркона услугуда ижод қилган. Чунки у адабиётда мана шу услуби орқали миллий қаҳрамонлар яратди ва бахшиёна тасвирлаш маҳоратини аниқ намоён эта олди.

Баъзи адабий танқидчилар томонидан ўзгача услуг дея эътироф этилган Тоғай Мурод асарлари ҳақида "сўзлари бежизга шеърдаги каби тагма-таг жойлаштирилмайди, сўз-гапларни кўп ишлатмайди. Асарларида ундов белгилари ва уч нуқталарнинг мўл-кўл қўлланиши ҳам бекорга эмас"<sup>3</sup> дея тариф берилади.

Адиб жумла тузишда инверсия, ассонанс, аллитерация, такрор усулларидан қофиядош, маънодош, антоним, омоним сўзлардан маҳорат билан фойдаланади. Бўғинлар teng бўлмаган ўринларда ҳам ритм мавжудлиги, фақат мисралар талаффузи жараёнида қисман қисқа ё узун талаффуз қилинишида фарқланиш кузатилади.

Баъзи ҳолларда ритм сатр бошидан охирига қадар аста-аста кўтарилиб борса, баъзан мисраларда, оҳангдаги бир хиллик сақланади. Бу жараёндан бахшилий санъатида ҳам ўринли фойдаланилади.

"Давлатинга болама-а, шодя шолтон ўрайман,

Оқ юзима сарғайиб жаҳаннамга қарайман.

Ажал келса боламай, менам бир кун нурайман

<sup>1</sup> <sup>1</sup> Қосимова М. Бадиий нутқ индивидуаллигининг лингвистик хусусиятлари (Тоғай Мурод асарлари асосида). Филол. фанлари номзоди ... дисс. автореф. – Т., 2007. – Б. 8.

<sup>2</sup> <sup>2</sup> Тўлаганова У. Тоғай Мурод насрода ритм: Филол. фанлари номзоди ... дисс. автореф. – Т., 2005. – Б. 7.

<sup>3</sup> <sup>3</sup> Йўлдошов К. Теранлик //Шарқ юлдузи, 2008. – 3-сон. – Б. 149.

Мени десанг қулоқ солгин боламай-ай-ай-ай"<sup>2</sup>.

"Отамдан қолган далалар"даги мана бу мисралар фикримиз исботидир:

"Кун олис бошим айланди.

Кун олис кўзим ёшланди.

Кун олис ичак-қорним томоғимда бўлди.

Ғарра-ғарра қусищдан армоним қолмади"<sup>1</sup>.

Ушбу сатрларни ҳам дўмбира жўрлигига бахшиёна ҳассос нолалар билан ижро этса, бир дардли достондай наво бериши шубҳасиз.

Оддий сўзлар. Анаъанавий тарзда ёзиладиган сўзлардан адаб ўз услугида – бахшилик айтимлари усулидан фойдаланган. Мисралар тенглиги, қофиялар жойлашуви, ўқилишдаги ритми билан адеб маҳорати юзага чиқкан.

Тоғай Мурод ўз асарлари учун материал тўплаганда, асарнинг қайси жанрда ёзилишини кўз олдига келтирган бўлса, ажаб эмас. Зеро, Тоғай Муроднинг ёзганларини бошқача тасаввур қилиш ҳам мумкин эмас. Сабаби, ўқувчиларни бир хиллиқдан чалғитиш мақсадида адеб мана шу йўлни танлаган бўлса керак. Унинг асарларини машҳур қилган нарса ҳам худди мана шу – унинг ўзига хос халқона услубидир.

Ёзувчи ўз асари материалини шу даражада билиши керакки, лозим бўлса, мутахассис ҳам ундан фойдалансин. Тоғай Мурод асарлари ана шундай қўлланма бўла олди. Зеро, баъзи адабий танқидчилар Тоғай Мурод асарларида кераксиз маълумотлар (деталлар, жой номлари, урф-одатлар)га жуда кўп таърифлар берилган, кераксиз ўринларда фойдаланилган дея эътиroz билдиришса-да, адебнинг китобхонга айтмоқчи бўлган гапларини шу йўл билан юзага чиқариши унинг ўзига хос услуби орқали силлиқланиб кетади. Чунки адебнинг ҳар бир асари ўзига хос санъатни ўзига хос маҳорат билан ёритиб бера олган.

Тоғай Мурод асарларининг услубий бетакрорлиги шундаки, у

<sup>2</sup> <sup>2</sup> Шоберди бахши тилидан ёзиб олинган "Авазхон" достонидан парча.

<sup>1</sup> <sup>1</sup> Тоғай Мурод. Танланган асарлар. От кишинаган оқшом. – Т.: Шарқ, 2008. –Б. 111.

жимжимадор сўзлардан фойдаланиб, нозик келишимли иборалар билан қаҳрамонлар қиёфасини бузмайди. Нимаики бўлса халқ тили билан ифодалайди. Шунингдек, адаб ўз асарларида мардлик, ор-номус, севги ва нафрат, жасурлик,adolat ва ноҳақлик, жисмоний ва руҳий баркамоллик, шахс ва халқ манфаатларининг тўқнашуви, мангулик ва фонийлик, хуллас инсоният ҳаётининг деярли барча қирраларини ишонарли ва ўзига хос тарзда тасвиirlab берган.

Тоғай Муроднинг асарлари услугуб жиҳатидан халқона тилда битилғанлиги унинг жозибадорлигини таъминлаган. Бу билан Тоғай Мурод ўзидан олдинги ижодкорлар услугуга зид бормади, у астойдил изланди, халқчил мазмунга халқчил ифода излади ва уни кашф этди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Тоғай Мурод услубининг ўзига хослиги фақат унинг асарлари этнографик материаллар асосида яратилганида эмас, балки ёзувчининг бу материаллар устида ишлаш борасида ўзига хос йўли борлигидадир.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Назаров Б. Ойбек эстетик қарашларининг шаклланишига доир //Ўзбек тили ва адабиёти.
2. Раҳимов А. Ўзбек романи поэтикаси: филол. фан. док. дисс. ... автореф.
3. Имомова Г. М. Типик миллий характер яратишда бадиий нутқнинг ўрни. филол. фан. ном. ... дисс. автореф. – Т., 1993
4. Бекмуродов Ю. Характер яхлитлиги // Ўзбек тили ва адабиёти. 1971 № 4. – Б. 3.
5. Тоғай Мурод. Отамдан қолган далалар. – Т.: Шарқ. – 1994. – Б. 62.
6. Йўлдошев Қ. Теранлик // Шарқ юлдузи. – Т., 2008. – 3-сон. – Б. 149.
7. Адабиёт назарияси. Ж.И – Т.: Фан, 1978. –Б. 263.
8. Қосимова М. Бадиий нутқ индивидуаллигининг лингвистик хусусиятлари (Тоғай Мурод асарлари асосида). Филол. фанлари номзоди ... дисс. автореф. – Т., 2007. – Б. 7–8.
9. Солижонов Й. XX асарнинг 80-90-йиллари ўзбек насрода бадиий нутқ поэтикаси: филол.фан.ном. ....дисс.автореф. –Т., 2002. –Б. 14.
10. Тўлаганова У. Тоғай Мурод насрода ритм: Филол. фанлари номзоди ... дисс. автореф. – Т., 2005. – Б. 7.
11. Йўлдошов Қ. Теранлик //Шарқ юлдузи, 2008. – 3-сон. – Б. 149.
12. Шоберди бахши тилидан ёзиб олинган "Авазхон" достонидан парча.

13.<sup>1</sup> Тоғай Мурод. Танланган асарлар. От кишинаган оқшом. – Т.: Шарқ, 2008. –Б. 111.